

ХУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Шахноза Хуршид кизи СУНАТУЛЛАЕВА

докторант

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: sunatullaevashahnoza@gmail.com

Аннотация

Мақолада республикамиз инвестиция сиёсати, унинг амалий тахлили ва республика ҳудудларида инвестицион фаоллигини оширишга қаратилган механизмни такомиллаштириш масалалари ёритилган. Шунингдек, бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсати натижалари келтирилган.

Таянч сўзлар: ҳудуд, тўғридан-тўғри инвестициялар, инвестиция сиёсати, инвестицион фаоллик, қўшилган қиймат, инвестиция муҳити, инвестицион жозибadorлик.

НАПРАВЛЕНИЯ ПОВЫШЕНИЯ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ СРЕДЫ В РЕГИОНАХ

Шахноза Хуршид кизи СУНАТУЛЛАЕВА

Докторант

Ташкентский финансовый институт

Ташкент, Узбекистан

e-mail: sunatullaevashahnoza@gmail.com

Аннотация

В статье рассмотрены перспективные направления повышения привлекательности инвестиционной среды, которая влияет на экономическую активность регионов и определяет их социально-экономическое развитие. Также в статье рассматривается модернизация региональной экономики, расширение ее масштабов, увеличение объема внешних, внутренних и прямых инвестиций, полное использование капитала и активная поддержка инвестиций, вложений в основной капитал, а также результаты инвестиционной политики реализуемой в нашей стране и его практический анализ.

Ключевые слова: регионы, инвестиции в основной капитал, экономическая деятельность, инвестиционная политика, инвестиционная среда регионов, инвестиционная привлекательность.

Жаҳонда инвестициялар оқимини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Савдо ва ривожланиш бўйича конференциясининг (UNCTAD) навбатдаги ҳисоботида кўриш мумкин. Унда қайд этилишича, 2023 йил якунларига кўра дунёда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий

ҳажми 3 фоизга ошган бўлсада, ривожланаётган мамлакатларда ушбу турдаги инвестициялар оқими ўтган йилга нисбатан 9 фоизга камайганлигини кузатишимиз мумкин. Бундай пасайиш суръатлари глобал сиёсий инқирозлар, жумладан, Украинадаги уруш, юқори қарздорлик, истеъмол ва энергия ресурслари нархининг беқарорлиги, дунё бозоридаги молиялаштириш талабларининг кескинлашуви, фоиз ставкаларининг ошиши ва капитал бозорларидаги номутаносиблик, айниқса, халқаро лойиҳаларни молиялаштириш ва трансчегаравий капитал ҳаракатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Халқаро бизнес ва халқаро инвестициялар учун глобал муҳит 2023 йилда жуда мураккаб вазиятга олиб келди [1]. Истиқболда қатъий шартлар асосидаги кредитлаш амалиётининг узок давом этиши ва юқори қийматда қарз олиш, уни қоплаш ҳамда иқтисодий ўсишни жонлантириш, иқлим ўзгаришларига қарши курашиш учун қўшимча инвестицияларга бўлган эҳтиёж жаҳон иқтисодиёти учун кутилмаган иқтисодий зарбаларни бериши башорат қилинмоқда [7]. Шу сабабдан жаҳоннинг аксарият мамлакатларида ҳудудлар молиявий барқарорлигини таъминлашда инвестиция жозибадорлигини ошириш ҳамда инвестицион фаолликни таъминлашнинг молиявий механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон ҳўжалиги доирасида нуфузли молия муассасалари ҳисобланган Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, БМТнинг Тараққиёт дастурлари каби халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатларнинг инвестицияларга бўлган талабларини рағбатлантириш, инвестициялар ресурс базасини кенгайтириш, қулай инвестиция муҳитининг яратилиши натижасида инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, ҳудудларда инвестиция фаоллигини шакллантириш бўйича услубий тавсияларни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур тадқиқотлар доирасига нуфузли илмий тадқиқот марказлари томонидан ишлаб чиқилган таклифларни амалиётга жорий этилиши натижасида халқаро стандартларда белгиланган талаблар асосида истиқболда ҳудудлар молиявий

барқарорлигини таъминлашда инвестиция жозибадорлигини оширишни молиялаштириш манбаларини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш имконини берди. Аммо, истикболда ҳудудлар молиявий барқарорлигини таъминлашда инвестиция жозибадорлигини оширишнинг назарий жиҳатлари, ҳудудлар инвестиция жозибадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш услубиёти, ҳудуд инвестиция фаоллигини ошириш орқали унинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган ҳудуд инвестиция сиёсатини ишлаб чиқариш ҳамда уни молиялаштириш самарадорлигини таҳлил қилишда қўлланиладиган усуллар, ҳудуд инвестиция жозибадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш йўллари билан боғлиқ муаммолар ҳали ҳануз ўз долзарблигини йўқотмаган ҳамда ечимини кутаётган масалалар сирасига киради.

Ўзбекистонда ислоҳотларнинг янги босқичида оқилона инвестиция сиёсатини амалга ошириш натижаси сифатида «...барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш», бу соҳада «2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш» масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо, республикада олиб борилаётган ислоҳотлар орқали сўнгги беш йилда қатор ижобий натижаларга эришилган бўлишига қарамасдан, мавжуд инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш борасида ҳудудлар ўртасида турли хил даражада номутаносибликлар мавжудлиги сабабли барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш масаласи энг долзарб муаммолардан бири сифатида қолмоқда. Шу сабабли иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш [8] ҳамда янги инвестиция лойиҳаларни амалга оширишда ҳудудлардаги махсус зоналардан ҳамда саноат кооперацияси имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали қўшилган қиймат занжирини яратиш [2] вазифаларининг белгилаб қўйилиши мавжуд иқтисодий салоҳиятдан потенциал даражада самарали фойдаланиш масаласини ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айлантирди.

Иқтисодийни модернизациялаш унинг самарасини янада кенгайтиришда ташқи ҳамда ички инвестицияларни, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини кўпайтириш ва улардан самарали фойдаланиш ҳамда инвестицияларни фаол қўллаб-қувватлаш ўз ечимини кутаётган вазифалардан ҳисобланади. Бинобарин, иқтисодийни модернизациялаш ва инвестициялаш жараёнларига тараққиётнинг икки устуни сифатида ёндашиш ҳамда ўзаро таъсирини ошириш уйғунлигини таъминлаш асосида, ҳудудларда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар кесимида инвестиция фаоллигини ошириш бўйича илмий-амалий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш долзарб аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиз.

Инвестиция фаолиятининг давлат томонидан бошқарилиши ҳозирги кунда молия ресурсларини давлат мақсадли дастурлари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда давлат эҳтиёжларини қондириш орқали амалга оширилади. Умуман олганда, давлат томонидан ажратиладиган инвестициялар моддий самараси камроқ, деб ҳисобланади, чунки улар аксарият ҳолларда номоддий соҳаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилади. Ҳозирги кунда бюджет маблағлари чекланганлиги сабабли, уларни юқори улушда йўналтиришнинг иложи йўқ. Чунки, давлатнинг бюджет ресурслари маблағлари, биринчи навбатда, мамлакат ҳудудларини қўллаб-қувватлашнинг мақсадли инвестиция дастурлари ижросини таъминлашга йўналтирилади. Марказлаштирилган инвестицияларни миллий иқтисодийнинг устувор йўналишлари бўйича давлат мақсадли дастурлари ва давлатлараро шартномалар ижросини таъминлашга, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида: уй-жой, сув хўжалиги қурилишларига, аҳоли истиқомат қиладиган жойларнинг муҳандислик инфратузилмасини яратишга, давлат бошқаруви, мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа тармоқлари объектлари қурилишига, экологик тадбирларни амалга ошириш, табиий офатлардан сақланиш

иншоотларига ажратилади.

Давлат бюджети маблағларисиз ижтимоий соҳа тармоқларини самарали ривожланишини тасаввур этиш қийин. Давлат бюджетдаги молиявий ресурсларнинг қарийб 80 фоизи таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, илм-фан, тураржой ва давлат қурилиши соҳалари эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилади. Марказлаштирилган молия маблағларининг қолган 20 фоиздан эса маҳаллий, хорижий ва хусусий инвестицияларни ишлаб чиқариш соҳаларини қўллаб-қувватлаш учун фойдаланилади [9].

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2018–2023 йилларда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар [3]

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар – жами, млрд сўм	124231,3	195927,3	210195,1	239552,6	266240,0	352124,0
Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши, %да	29,3	37,0	34,9	32,4	29,6	33,0

Ўзбекистон Республикасида 2018–2023 йилларда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2018 йилда 124231,3 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб 352124,0 млрд сўмга ошган. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши эса 2018 йилда 29,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб, 33,0 фоизга мос равишда ўсган. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улушининг энг юқори салмоғи 2019 йилда кузатилган. Тадқиқ этилган даврда Ўзбекистон Республикасида 2018–2023 йилларда аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг республика ҳудудлари бўйича тақсимланишида ҳам ўзгаришлар содир бўлган.

Қуйидаги 2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Ўзбекистон Республикасида 2018–2023 йилларда аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2018 йилда 3769,6 минг сўмни ташкил

этган, 2023 йилга келиб эса 9668,8 млрд сўмга ошган. Аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг республика ҳудудлари бўйича тақсимланишида ҳам ўзгаришлар содир бўлган. Аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг ҳудудлар кесимида таҳлил этадиган бўлсак, 2018 йилга нисбатан 2023 йилда ўсиш суръати Сирдарё, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларига тўғри келган. Энг паст ўсиш суръати эса Қашқадарё вилояти, Қорақалпоғистон Республикасида кузатилган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2018–2023 йилларда аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми, (минг сўм) [4]

Ҳудудлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2018 й. нисбатан 2023 й. ўсиш суръати +; –
Ўзбекистон Республикаси	3769,6	5834,6	6140,3	7015,9	7468,6	9 668,8	5 899,2
Қорақалпоғистон Республикаси	3641,1	4644,4	3710	4069,6	5225,5	6 004,4	2 363,3
Андижон	1550,3	2406	3047,2	3770,4	4361,1	5 410,6	3 860,3
Бухоро	5112,4	5429,3	6295	9681,7	10855,5	15 442,9	10 330,5
Жиззах	2693,9	5778,9	8984,7	9267,9	7107,9	11 138,3	8 444,4
Қашқадарё	5193,4	7534,6	6214,7	4811,9	4647,7	6 158,4	965,0
Навоий	10892,1	17855,2	15604,2	15931,5	17189,8	6 158,4	–4 733,7
Наманган	2992,5	4344,1	4229,2	4588,1	4984,4	6 839,0	3 846,5
Самарқанд	1878,3	2674,9	3746	4442,4	4642,5	6 385,3	4 507,0
Сурхондарё	2848,3	4552,8	3792,2	4176,4	4169,4	6 318,5	3 470,2
Сирдарё	3280,2	7002,9	8425,4	10011,5	13919,1	16 954,7	13 674,5
Тошкент	3898,4	6970	7169	9538,7	12056,8	14 705,6	10 807,2
Фарғона	1516,8	2336,2	2916	3348,9	3917,2	5 037,4	3 520,6
Хоразм	1655,6	2718,4	2868,2	4495,4	4517,9	6 096,1	4 440,5
Тошкент ш.	10627,8	16710,5	19065,6	20433,9	19539,4	22 644,8	12 017,0

Инвестицияларнинг ҳудудий таркиби шу билан тавсифланадики, уларнинг асосий қисми нисбатан юқори даражада ривожланган Тошкент ва Навоий иқтисодий ҳудудларига тўғри келади. Уларнинг улушига барча аҳоли сонининг 46,3 фоизи, инвестицияларнинг эса 50,4 фоизи тўғри келган. Инвестициялар ҳажми 2023 йил 2018 йилга нисбатан Навоий иқтисодий ҳудудидан ташқари, барча иқтисодий ҳудудларда бирмунча ўсган. Шу нарса

муҳимки, ўртача республика даражасига нисбатан инвестицияларнинг юқорироқ суръатларда ўсиши Оролбўйи ва Мирзачўл иқтисодий ҳудудларида, яъни ривожланиш даражаси нисбатан орқада қолган ҳудудларда кузатилди. Бунинг натижасида мазкур ҳудудларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ўртача республика кўрсаткичларига яқинлашмоқда.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2018–2023 йилларда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар (фоизда) [5]

Ҳудудлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
Ўзбекистон Республикаси	129,9	138,1	95,6	105,2	100,2	100,7
Қорақалпоғистон Республикаси	169,9	100,3	69,9	102,1	114,9	115,5
Андижон	113,7	129,0	110,6	115,3	116,5	117,1
Бухоро	60,6	95,9	104,7	136,4	94,2	94,8
Жиззах	158,1	194,9	147,4	104,0	104,6	105,2
Қашқадарё	112,4	131,2	76,5	72,7	80,0	80,6
Навоий	188,0	144,3	77,1	93,4	109,4	110
Наманган	178,1	131,1	88,0	102,9	104,2	104,8
Самарқанд	131,4	134,5	128,8	112,0	111,6	112,2
Сурхондарё	164,2	144,0	77,4	103,2	87,5	88,1
Сирдарё	131,0	186,0	111,2	116,4	135,1	135,7
Тошкент	139,9	158,5	92,2	119,1	110,7	111,3
Фарғона	145,9	132,0	113,5	108,2	112,4	113
Хоразм	111,7	150,7	92,7	144,2	94,2	94,8
Тошкент ш.	138,2	145,8	108,6	104,0	87,2	87,8

Агар 3-жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2018 йилда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳудудларда ўртача республика кўрсаткичига нисбатан, мос равишда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ўртача республика кўрсаткичларининг 63,9 %, 248,6 %ини ташкил этган бўлса, 2023 йилда мос равишда 72 % ва 144,2 %лик даражага етган. Бу республика миқёсида аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажмининг ўсаётганидан далолат беради. 2018–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида инвестицияларнинг улуши 63,9 %дан 102,1 %га ўсиши бу ҳудудда дастлаб йирик Устюрт газ-кимё мажмуасини қурилиши ҳамда турли йилларда режалаштирилган инвестицион лойиҳаларни амалга оширилгани билан боғлиқ. Шу билан бирга, аҳоли жон бошига тўғри

келадиган инвестициялар даражасидаги фарқнинг Тошкент иқтисодий ҳудудида, шу жумладан, Тошкент шаҳри, Навоий, Андижон, Самарқанд вилоятларида ҳам бошқа иқтисодий ҳудудларидагига нисбатан анча орқада қолиши кузатилган. Бироқ, сўнгги йилларда, жумладан, Хоразм вилоятида 2022 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар улуши анча юқори бўлган. Фикримизча, истиқболда инвестицияларнинг – Наманган, Хоразм, Тошкент шаҳри, Бухоро вилоятларидаги ўсиш суръатларини бироз камайтириш ҳисобига Мирзачўл ва бошқа иқтисодий ҳудудларда унинг жадал ўсишини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, таҳлил этилаётган даврда, Ўзбекистон Республикасида олиб борилган инвестицион сиёсат асосий капитал жамғарилишининг юқори суръатларда ўсиши асносида мамлакатда инвестицияларнинг замонавий бозор тузилмасини шакллантиришга йўналтирилганлиги билан тавсифланади. Ушбу давр мобайнида хорижий инвестициялар оқими кескин ошди, молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари манбалари фаоллашди, инвестициялашнинг бозор институтлари янада ривож топди ва йилдан-йилга инвестицион иқлим ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яхшиланиб бормокда. Инвестиция жозибадорлигини таъминлаш ва инвестиция салоҳиятидан оқилona фойдаланиш, фикримизча, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади:

- ҳудудлар кўламида инвестиция фаолияти жараёнларининг инновацион бошқарув моделини қўллаш имкониятини яратадиган ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича инвестиция стратегияларини шакллантириш;

- ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти, ички имконият ва мақсадларини уйғунлаштиришда инвестиция жозибадорлигини оширишга қаратилган иқтисодий мақсад, тармоқлараро узвий ҳамкорлик, инвестиция объектларининг манзиллилиги бўйича институционал даражасини мустаҳкамлаш;

- ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг инновацион

ёндашувига асосан инвестиция фаолиятини замон билан ҳамнафас уйғунлаштириш, биринчидан, худудий илмий тадқиқот марказларини яратишни, иккинчидан эса, инвестицияларнинг худуд инновацион фаолигига қаратилган диверсификация жараёнини тезлаштиришга имкон беради;

– инвестицияларни миллий иқтисодиётдаги тармоқлараро мослигини таъминлаш асосида молиялаштиришни амалга оширишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сонли Фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 14 февралдаги 92-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил I чорагига мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. <https://lex.uz/ru/docs/6801272>.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

4. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат статистика агентлиги маълумотлари.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

7. <https://unctad.org/news/foreign-direct-investment-developing-economies-fell-9-2023#>

8. https://www.un.org/development/desa/dpad/wp-content/uploads/sites/45/WESP2024_PR_CIS_RU.pdf. Экономический прогноз ООН: в 2024 году в экономиках стран СНГ и Грузии будет наблюдаться более медленные темпы роста, поскольку регион сталкивается с многочисленными рисками.

9. https://uza.uz/uz/posts/yangi-yilda-investiciya-siyosatini-amalga-oshirish-va-yashil-energetikani-rivozhlantirish-masalalari-muhokama-qilindi_553781. Янги йилда инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва «яшил» энергетикани ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.